

САҲРО ТУПРОҚЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА МОРФОЛОГИЯСИ

Хайриддинов Акмал Батирович

Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди,

Қарши Давлат университети, Агрокимё ва экология кафедраси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7441718>

Аннотация. Мақолада Қашқадарё вилоятининг саҳро тупроқлари Муборак ва чўл минтақаларида кенг тарқалган бўлиб, ушбу тупроқлар таркибидаги гумус миқдорининг камлиги ва тупроқ структуралilik даражаси сочилувчанлиги билан ажралиб туради.

Калит сўзлар: тупроқ, саҳро, она жинс, минтақа, тупроқ типи, қумли тупроқлар, сур тусли тупроқлар.

МОРФОЛОГИЯ И СВОЙСТВА ФОРМИРОВАНИЯ ПУСТЫННЫХ ПОЧВ

Аннотация. В статье представлено основные пустынные почвы Кашкадарьинской области широко распространенные в Мубарекской и пустынной областях, которые характеризуются низким содержанием гумуса и степенью разрозненности структуры почв.

Ключевые слова: песчанная пустыня, материнская порода, регион, тип почвы, песчаные почвы, илестые почвы.

FORMATION FEATURES AND MORPHOLOGY OF DESERT SOILS

Abstract. The main sandy desert soils of the Kashkadarya region are widespread in the Mubarek and desert regions, which are characterized by a low humus content and a degree of fragmentation of the soil structure.

Keywords: soil, sandy desert, parent rock, region, soil type, sandy soils, silty soils

Мавзунинг долзарблиги. Саҳро тупроқлари бу саҳро минтақасидаги автоморф типдаги тупроқ бўлиб, механик таркибнинг ўта енгиллиги-қумлилик ёки қумлоқлиги ушбу тупроқларни шаклланишида асос бўлган қумли эол (шамол) ётқизиғи махсули ҳисобланади [6].

Бир томондан, тупроқ ҳосил қилувчи қумли эол ва аллювиал она жинс катта сув ўтказувчанликка, иккинчи томондан, нокапилляр ғовакликка эга бўлганлиги учун капилляр кўтариш баланлигини пастлиги натижасида бўлади. Бу тупроқлар профилининг ўрта қисмида конденсацияланган сувларнинг тўпланиши, доимий нам «марказини» бўлиши саҳро минтақасида мослашга айрим ўсимликларни ўсиши учун шароитни вужудга келтиради. 2,3 Бошқача айтганда саҳро тупроқларининг 40-50 см чуқурлигида фойдали тупроқ суви захиралари бўлади ва бу яхши ривожланган ўсимлик қопламани вужудга келтиришга ҳамда гумуснинг ҳосил бўлиши учун асос бўлади.

Тадқиқот натижалари. Саҳро тупроқлари алоҳида тип сифатида ажраладиган бўлсада, кам ўрганилган. Ҳаттоки, бу тупроқ типи тузилган тупроқ хариталарида бир неча типдаги тупроқлар комплексида ёки қумли саҳролар фонида кўрсатилади [1,4].

Саҳро тупроқларида генетик қатламлар мустаҳкам такомиллашмаган, чунки уларнинг эволюцияси давомида кучли шамол кўчкинлари (шамол дефляцияси) таъсирида катта миқёсдаги қумли тупроқлар (қумлар билан биргаликда) узоқ майдонларга қайта ётқизилиши мумкин ва бу ерда саҳро тупроқлари ўзининг «иккинчи» ҳаётини бошлайди. Лекин шунга қарамадан бу тупроқларда қуйидаги генетик қатламлар ва улар учун хос

бўлган морфологик белгилар мавжуд. Қумли сахро тупроқларининг энг юқориги қисмида қолган ўсимлик таналари ёки атрофида тўпланган майда қум заррачаларидан ташкил топган қалинлиги см атрофида эол ётқизиғи бўлади ва бу Ао- ҳарфи билан белгиланади[2,3].

Бу қатлам остида қўнғир бош каби эфемер ўсимликлар илдизи таъсирида яхши чимланган, майда донадор кесакчали, лекин енгил механик таркибли қалинлиги 7-12 см ли чимли (А-чим) қатлам бўлади. Бу қатлам сур тусли бироз қўнғир товланувчи рангда бўлиб, юмшоқ, унинг деворлари тез бузиладиган (кўчадиган) бўлади, ҳамда бу деворларда сезиларли қат-қатлик ва тангасимон қаватларни кўриш мумкин. Бу қатлам жуда секинлик билан В-қатламга ўтади. В-қатламида ҳам томирлар мавжуд, бу ерда асосан йирик томирлар бўлади, ранги бироз оқишроқ сур тусли, юқориги қатламга нисбатан зичроқ, айрим ҳолларда жуда қаттиқ (зич) бўлади. Бунинг асосий сабаби, бу қатламнинг карбонатли бўлишидир. Бу қалинлиги одатда 10-20 см ёки ундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Бу қатлам остида юмшоқ сочилувчан қум бўлиб, у ўзида сувда эрувчи тузларни, гипсни сақлаш мумкин.

Қарши-Муборак марказий йўлини 45 км, уни ўнг томонидан 100-150 м. Майда бархонли майдонда қазилди. Рельеф-бархонли, улар оралиғида текислик мавжуд.

Ао- Атрофдан келтирилган қалинлиги 3 см атрофида бўлган ўсимлик тана ва томирлари атрофида тўпланган, тиниқ сур тусли бир оз қўнғир товланувчи қумлар. А-чимли-0-5 см. Сур тусли қўнғир товланувчи, қумли, сочилувчан, куруқ бироқ эфемер ўсимлик илдизлари билан тўлиқ ушланиб турадиган, майда кесакчали-донадор, бироқ тез майдаланадиган ўсимлик илдизлари қоладиган ёриқларда ҳайвонот дунёси фаолиятини (унинг чиқиндилари, таналари) кўриш мумкин, ён деворларида сезиларли қат-қатлик ва тангачасимон жуда ёпқа ётқизиклар мавжуд, кейинги қатламга ўтиш аста-секинлик билан ранги орқали. А-чимости 5-32 см, оқишроқ сур тусли, қумли зичлашган бироз намланган, ўсимлик илдизлари миқдори камайган, ён деворларида тип ётқизиклар мавжуд, тупроқ ҳайвонот дунёси фаолиятини кўриш мумкин, қатламнинг тахминан 15-20 смдан бошлаб тупроқ массасининг ранги янада оқишроқ бўлади, бу карбонатларнинг таъсирида бўлса керак, кейинги қатламга ўтиш ранги орқали сезиларли.

1-жадвал

Сахро тупроқларининг агрохимёвий кўрсаткичлари.

Чуқурлик , см	Чиринди %	Азот , %	С: N	Фосфор		Калий	
				Умумий, %	Ҳаракатчан, мг/кг	Умумий	Ҳаракатчан мг/кг
8^а –кесма. 1963. Денгиз сирт Қаршичўл. (М.Каримова, Почвы Узбекистана, 1975)							
0-10	0,29	0,02 7	6,2	0,09	16,2	1,8	165,6
10-50	0,23	0,02 5	5,3	0,09	14,0	1,9	153,0
50-100	0,16	0,02 0	4,6	0,01	2,2	1,8	90,3
6-кесма. Денгизсирт. Қаршичўли (М.Каримова, Почвы Узбекистана, 1975)							

0-7	аниқланмаган			0,09	27,5	1,2	212,5
7-40	аниқланмаган			0,06	5,0	1,2	225,0
40-80	аниқланмаган			0,05	4,0	1,2	212,5
80-95	аниқланмаган			0,03	5,0	0,9	50,0
8-кесма. 1972. Қашқадарё флораси. (Почвы Узбекистана, 1975, 1975)							
0-7	0,24	0,02 2	6,3	0,10	26,0	1,9	163,8
10-20	0,36	0,02 7	7,7	0,09	10,4	1,9	241,0
30-40	0,25	0,02 3	6,3	0,08	7,2	1,7	96,4
52-кесма. Қашқадарёнинг чап қирғоғи, Косон тумани.							
0-5	0,27	0,02 3	6,8	0,10	аниқланмади	2,0	аниқла нмади
5-32	-,31	0,02 6	6,9	0,11	аниқланмади	1,8	аниқла нмади
32-56	0,15	0,01 1	7,9	0,08	аниқланмади	1,7	аниқла нмади
56-кесма. Муборак тумани.							
0-30	0,28	0,02 4	6,8	0,11	аниқланмади	1,8	аниқла нмади
30-49	0,21	0,01 8	6,8	0,10	аниқланмади	1,7	аниқла нмади
49-80	0,14	0,00 9	9,0	0,07	аниқланмади	1,5	аниқла нмади
60-кесма. Муборак тумани.							
0-28	0,22	0,01 7		0,08	аниқланмади	2,0	аниқла нмади
28-50	0,16	0,01 4		0,08	аниқланмади	1,8	аниқла нмади
50-75	0,10	0,00 9		0,07	аниқланмади	1,5	аниқла нмади

В-32-56 оқиш сур тусли жигаранг товланувчи, намли, қумли, зич, ўсимлик томирлари жуда кам, фақат йирик илдизлар мавжуд, тупроқ жониворлари фаолияти юқориги қатламларга қараганда паст даражада, жуда кўп карбонатли. Бирикмалар, ҳаттоки онда-сонда гипс профиллари ҳам учрайди, кейинги қатламга ўтиш ранги ва зичлиги орқали сезиларли.

С-56-145 см-сарғиш кулранг товланувчи, қум юмшоқ, намланган, жуда кам сонли ўсимлик илдизлари ва тупроқ хашоратлари, кесма деворларида ёриқлар мавжуд, кесманинг 56 см дан 89 см. гача майда қум, ундан кейин 145 см. гача йирик қум бўлиб, буларнинг таркибида гипс, туз эрувчан туз кристалларини кўриш мумкин.

Хулоса. Сахро тупроқлари ўзларининг генетик қатламларини шакллантиришда жуда мураккаб тупроқ ҳосил бўлиш жараёнини ўтказди. Лекин шуни ҳам таъкидлаш

лозимки, кўпчилик ҳолда чулни саҳро тупроқларини морфологик тузилишини ўрганиш даврида унинг профилида кўмилиб қолган 2-чи гумусли (чимли) қатламни ҳам учараши мумкин. Бу яна бир марта бу тупроқларнинг шаклланиши, унинг эволюцияси даврида кечаётган мураккаб тупроқ ҳосил бўлиш жараёни мавжудлигидан далолат беради.

REFERENCES

1. Орлов М. А. О сероземах и оазисно-культурных почвах. Тр. САГУ, сер. VII, вып. 6. Ташкент, 1937.
2. Панкоа М. А. Почвообразующие породы В. Почвы Узбекистана ТашкентФАН, 1949.
3. Турсунов Л. Тупроқ физикаси. Тошкент, Меҳнат, 1988. 222-б.
4. Герасимов И.П. Гинетические, георафические и исторические проблемы современного почвоведения. М.Наука. 1976. С. 298.
5. Исмаатов Д.Р. Минерологический состав и физико-химические свойства почв Южного Узбекистана. Тошкент. Фан. 1989. 288 с.
6. Турсунов Л. Бобоноров Р., Вакилов А. Т акырные почвы – как продукт бассейнового осадконакопления и почвообразования . Мит. 3- международный конф. “Экология речных бассейнов”. Россия. Владимир. 2005. С. 104-107.
7. Умаров М.У. Физические свойства почв районов ноаого и перспективного орошения Узбекистана. Ташкент. Фан. 1974. 282 с.
8. Юсупов С.А. Почвы Китаб-Шахрисабзской катлавины, их основные свойства и состояние плодородия. автореф. канд. биол. наук. Ташкент. 1999. С 23.